Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 7-aprel, seshanba, № 44 (3549)

“Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир.

Амир ТЕМУР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ЯКУНЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

6 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида бўлиб ўтган мажлисда шу йил 29 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижалари эълон қилинди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти изчил ривожланиб бораётган мамлакатимиз келажаги учун улкан тарихий аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Сайлов фуқароларимизнинг юксак ҳуқуқий маданияти ва сиёсий фаоллиги юқорилигини, халқимиз мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлашини яна бир бор намоён этди.

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан келган баённомаларга асосан 29 март куни бўлиб ўтган Президент сайловида сайловчилар рўйхатига киритилган 20 миллион 798 минг 52 фуқародан 18 миллион 942 минг 349 нафари иштирок этганини аниқлади. Бу сайловчиларнинг 91,08 фоизини ташкил этди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод этиб кўрсатилган Ислом Абдуғаниевич Каримовга сайловчиларнинг 17 миллион 122 минг 597 нафари ёки 90,39 фоизи, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан кўрсатилган номзод Акмал Холматович Саидовга 582 минг 688 нафари ёки 3,08 фоизи, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзод Ҳотамжон Абдураҳмонович Кетмоновга 552 минг 309 нафари ёки 2,92 фоизи, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Наримон Мажитович Умаровга 389 минг 24 нафари ёки 2,05 фоизи овоз берди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90, 117-моддалари, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 14-, 35-, 36-моддалари ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуннинг 5-, 9-моддаларига мувофиқ Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланди, деб ҳисоблаш ҳақида қарор қабул қилди.

Мажлисда Президент сайлови Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонунларга мувофиқ, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ҳуқуқи таъминланган ва умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш принципларига риоя этилган ҳолда ўтказилгани таъкидланди.

Сайловда дунёнинг 43 давлати ва бешта халқаро ташкилот — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислом ҳамкорлиги ташкилотидан 299 кузатувчининг иштирок этгани ҳам сайлов кампанияси демократик, очиқ ва ошкора ўтганлигидан ёрқин далолатдир. Сайлов жараёнини, шунингдек, сиёсий партияларнинг 35 мингдан ортиқ вакили кузатиб борди.

Сайловнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари ҳам муҳим ўрин тутди. Президент сайловини мамлакатимизнинг қарийб 600 ва 180 дан зиёд хорижий оммавий ахборот воситалари, 180 га яқин хорижий ва миллий интернет-нашр ёритиб борди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича республика матбуот маркази ва ҳудудий матбуот марказлари томонидан 980 нафардан ортиқ маҳаллий ва чет эллик журналист иштирокида сайлов кампаниясининг муҳим босқичларига бағишланган етмишдан зиёд матбуот анжуманлари ва брифинглар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ва сайлов жараёни ҳақида 12,7 мингдан ортиқ мақола ва ахборот материаллари чоп этилди, теле ва радиоэшиттиришлар эфирга узатилди.

М.МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири

ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келиши давом этмоқда.

Жумладан, **Америка Қўшма Штатлари Президенти Барак Обама**нинг қутловида бундай дейилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Сиз Президент лавозимида навбатдаги муддатда иш бошлаётганингиз муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига тинчлик ва равнақ тилайман. Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон ўртасида муштарак манфаатлар мавжуд бўлиб, улар ўзаро муносабатларимизнинг мустаҳкам ва изчил ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, биз кўплаб умумий таҳдидларга ҳам дуч келмоқдамиз. Ўзаро ҳамкорлигимиз икки томонлама муносабатларимиз кенгайишига, шериклигимиз халқларимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Бугунги таҳликали дунёда доимий барқарорлик ва хавфсизликка демократик ва масъулиятли бошқарувсиз, жумладан, асосий ҳуқуқ ва эркинликларга риоя қилмасдан эришиб бўлмайди. Президент лавозимида янги муддатдаги фаолиятингизда ушбу муҳим масалалар бўйича Сиз билан ҳамкорликни давом эттириш ниятидаман. Америка халқи номидан Ўзбекистон халқига эзгу истакларимни йўллаб, мамлакатингизга тинчлик ва тараққиёт тилайман.

Эҳтиром билан,

Барак ОБАМА,
Америка Қўшма Штатлари Президенти.

Шунингдек,
Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби — **Жон Керри**
Чехия Республикаси Президенти — **Милош Земан**
Миср Араб Республикаси Президенти — **Абдулфаттоҳ Ал-Сиси**
Афғонистон Ислом Республикаси Президенти — **Муҳаммад Ашраф Ғани**
Таиланд Қироллиги Бош вазири — **Прают Чан-Оча**
Грузия Президенти — **Георгий Маргвелашвили**
Арманистон Республикаси Президенти — **Серж Саргсян**
Фаластин Давлати Президенти, Фаластин озодлик ташкилоти ижроия қўмитаси раиси — **Маҳмуд Аббос**
Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши раиси — **Валентина Матвиенко**
Энергетика Хартияси Бош котиби — **Урбан Руснак**
Саудия Арабистонида истиқомат қилаётган ватандошлар — **Сафохон Жалолхон Тўра Марғилоний ва бошқалар**
Россия Федерацияси мусулмонлари идораси раиси, Россия муфтийлар кенгаши раиси — **Равиль Ғайнутдин**
Тошкент ва Ўзбекистон митрополити, Ўрта Осиё митрополия округи раҳбари — **Викентий**
Британия — Ўзбекистон жамияти раиси — **Хартли Бут**
Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми раиси, профессор — **Сиддхарт Саксена**
“РУСАЛ” компанияси президенти — **Олег Дерипаска** ҳам табрик йўллаган.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

■ Янгиликлар
■ Воқеалар
■ Хабарлар

НАВОИЙ

ЁШЛАР ИШЛИ БЎЛДИ

Навоий информатика ва электрон саноат касб-ҳунар коллежида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг фармойишига асосан ўтказилган ярмаркада мазкур коллеждан 298 нафар ва Зарафшон компютер технологиялари коллежидан 219 нафар ўқувчи қатнашди.

Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасидан 11 нафар, бошқа корхона ва ташкилотлардан 8 нафар вакил қатнашиб, 30 дан ортиқ бўш иш ўринларини тавсия этди. 20 дан ортиқ ёш йигит-қиз билан уч томонлама шартномалар тузилиб, уларнинг доимий бандлиги таъминланди.

Б.ҲОЖИЕВ

СУРХОНДАРЁ

ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ

«Соф Осиё асали» хусусий корхонаси раҳбари Ойбек Сулаймонов Сурхон воҳасидаги етук мутахассислардан бири. У соҳага кўпроқ ёшларни жалб этиш мақсадида вилоят касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳамкорлик шартномасини имзолади ва шунга асосан коллежларда семинарлар, суҳбатлар уюштирилди. Натижа чакки эмас, ёшлар ўртасида асаларичиликка қизиқувчилар сони тобора ортиб бораётир.

— Бошловчи асаларичиларнинг банклардан кредит олишлари учун бизнес лойиҳа тайёрлашда яқиндан кўмаклашамиз, — дейди О.Сулаймонов. — Муҳими, улар соҳа сир-асрорлари билан чуқур таништирилади ва иш ўргатилади. Асаларичилик учун қути, рамкалар корхонамизда тайёрланади. Асалари оилаларини эса Бойсун, Шеробод туманларидаги асалчилик уюшмаларидан харид қилиш мумкин.

Рустам ДАВЛАТОВ,
“Ishonch” мухбири

2015 ЙИЛ — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

НУРОНИЙЛАР «ТУРОН»ДАН МАМНУН

Қайси даврада бўлманг, пиру бадавлат отахон ва онахонлар ўтган умрини эслаб, ҳар тонгни шукронелик билан қарши олаётгани, тинч, хотиржам умргузаронлик қилиб, фарзандлари камолини кўраётганини қувонч билан тилга олади.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида инсон қадр топди. Жамиятимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар аввало халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай, озод ва фаровон ҳаёт кечиришида намоён бўлмоқда.

Президентимиз томонидан жорий йилнинг мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилиниши ва шу мақсадда Давлат дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил жорий этилаётгани ўз самараларини бераётир. Ушбу ҳужжат мазкур йўналишдаги ишлар кўламини кенгайтириш, фахрийларнинг турмушини янада яхшилашда дастуруламал бўлаётир.

Давлат дастури ижроси доирасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳам салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Ҳудудий бўлимлар томонидан “Саховат”, “Мурувват” ва “Меҳрибонлик уйлари”, махсус мактаб-интернатларда “Хайр-саховат — ўзбекона фазилат” мавзусида маърифий тадбирлар ташкил этилиб, имконияти чекланганлар ва кексалар моддий-маънавий қўллаб-қувватланмоқда.

(Давоми 4-саҳифада).

9 АПРЕЛ — АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИ КУНИ

Ҳар бир миллат ўз феноменини — ҳар жиҳатдан ўрнак бўладиган, шу халқ, шу азиз Ватан равнақи йўлида буюк ишларни амалга оширган, фидойи, жасур, доно аждодларини улуғлайди. Улар бевосита халқ учун ўзликни англаш, ватанпарварлик тимсоли бўлиб, ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

ҒУРУР ВА ИФТИХОРИМИЗ РАМЗИ

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ПАЛЛАСИ

...Мустақиллик арафаси. Мактабда ўқишни орзу қилиб, ҳайратлар оғушида юрган кезларимиз. Момоларимиздан анча-мунча эртак эшитиб, тасаввуримиздаги қаҳрамонлар билан хаёлан дўст эдик. Секин-секин афсонавий, шу билан бир қаторда, тарихда шонли из қолдирган миллий қаҳрамонларимиз тасаввуримизни бойита бошлади. Узоқ йиллар тақиқланиб келган улуғ аждодларимиз, жумладан, Соҳибқирон бобомиз Амир Темур номи миллат қалбида қайта тирила бошлаган дамлар эди. Шунга қарамай собиқ Иттифоқ даврида сунъий яратилган, сохта сиймолар турли манбаларда, одамлар онгида ҳамон айланиб юрарди. Президентимиз Ислом Каримов қайд этганидек, *“Минг афсуски, мустамлакачилик йилларида, яъни миллий қадриятларимиз, азиз-авлиёларимиз ва алломаларимизнинг бой мероси, табаррук номларини халқимиз хотираси ва юрагидан бутунлай ўчиришга қаратилган сиёсат ҳукм сурган даврларда Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш у ёқда турсин, ҳатто унинг номини тилга олиш ҳам мутлақо тақиқлаб қўйилган эди. Бу мавзуда яратилган баъзи бир илмий-бадиий асарларда Амир Темур сиймоси тарихий ҳақиқатга зид равишда бирёқлама, асосан қора бўёқларда акс эттирилар эди”.*

Шундай вазиятда истиқлолнинг нақадар улкан маёқ, қудрат экани намоён бўлади. Маънавиятимизда туб ўзгаришлар юз бера бошлади — 1991 йил муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси билан Алишер Навоий йили деб эълон қилинди. Ушбу изчиллик давом этиб, 1996 йил — Амир Темур йили дея номланди. Тасаввур қилиб кўринг-а, аввалари босқинчи, жоҳил сифатида талқин этилган Амир Темурнинг аслида бунёдкор, миллатпарвар эканини англаш қанчалик мароқли. Шу тариқа Амир Темур шахси, жаҳон тарихидаги ўрни, халқимиз, Ватанимиз олдидаги хизматлари асл мақомига қайтди. Ватанимизнинг юксак мукофотларидан бири — Амир Темур ордени таъсис этилди. Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди. Парижда, ЮНЕСКО қароргоҳида “Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши” мавзусида халқаро кўргазма ташкил этилди, ўша кунларда Тошкент ва Париж шаҳарларида халқаро илмий конференциялар ўтказилди. Пойтахтимизнинг Амир Темур хиёбони саҳнида Соҳибқироннинг от устидаги улуғвор, нодир ҳайкали ўрнатилди. (Кейинчалик бобомизнинг маҳобатли ҳайкаллари Шаҳрисабз ва Самарқандда ҳам қад ростлади). Ушбу хиёбон ва унинг атрофидаги муҳташам иншоотлар киши кўзини қувнатади. Айниқса, сўнгги йиллардаги ўзгаришлар, Халқаро анжуманлар саройига қараб, Соҳибқирон таъбири билан айтганда, кучқудратимизни кўрмоқчи бўлсангиз, биз қурдирган иморатлар боқинг, дея фахрлангинг келади. Бу авлодларнинг аждодлар анъанасини изчил давом эттираётганидан далолат эмасми?! Шунингдек, Халқаро Амир Темур жамғармаси фаолияти йўлга қўйилиб, пойтахтимизда Темурийлар тарихи давлат музейи ташкил этилди. 2011 йили Президентимиз таклифи билан “Темур тузуклари” асари мукаммал ҳолда, юксак сифат билан янгидан чоп этилди. Энг муҳими, бугун миллатимиз ғурурини кўкларга кўтарган Амир Темур сиймоси улуғланиб, унинг адолат, ҳақиқат ва юртни ҳар жиҳатдан тараққий эттиришдек улуғвор ғояларига мос ишлар амалга оширилди.

(Давоми 3-саҳифада).

2015-yil 7-aprel, seshanba, № 44 (3549), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА ҳисобот-сайловлар йили

ЎзКУФК Ўқув марказида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бошланғич касаба уюшма қўмитасининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жамоа шартномасининг 2014 йилдаги бажарилиши муҳокама этилди.

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Бошланғич касаба уюшма қўмитаси ижтимоий шериклик тамойилига асосан маъмурият билан ҳамкорликда ташкилот фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий, интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси, касбга оид барча муносабатлар, шунингдек, ички меҳнат тартиб қоидаларини ишлаб чиқиш, ходимларни ишга қабул қилиш, вазифасидан озод қилиш ва шу каби турли ҳужжатларни расмийлаштиришда ҳам фаоллик кўрсатилаётир.

Касаба уюшмаси қўмитасига келиб тушган мурожаатлар қонуний асосда ҳал этилди. Ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган давра суҳбатлари мутасадди ташкилотлар иштирокида амалга оширилмоқда. Ўтган йили бир нафар ходим "Турон" санаторийсида соғлигини тиклаган бўлса, ёзги таътил даврида 12 нафар ходим фарзандлари болалар соғломлаштириш оромгоҳларига юборилди. Касаба уюшма қўмитаси тавсиясига мувофиқ 2 нафар ходим моддий ёрдам олди.

Турли спорт мусобақалари, кўрик-танловларда кенгаш ходимларининг фаол иштироки таъминланаётир. Ҳар йили улар қатор вазирликлар томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мусобақаларда қатнашиб, совриндорлар сафидан жой олишмоқда.

Йиғилишда ютуқлар тизимда амалга оширилган ислоҳотлар самараси эканлиги алоҳида эътироф этилди. Айни вақтда таклиф-мулоҳазалар билдирилиб, ишлар кўламини кенгайтириш лозимлиги таъкидланди. Якунда келгусидаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
"Ishonch" мухбири

Тошкентдаги «ALFA GROUP» акцияонерлик жамияти қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Бошланғич ташкилотнинг 2012-2015 йиллар давомидаги фаолияти тўғрисида касаба уюшма қўмитаси раиси Лайло Сафарова ҳисобот берди.

— Айни вақтда бошланғич ташкилотимизда 236 нафар аъзо бўлиб, корхонамизда уларнинг меҳнат ва дам олиши учун барча шароит яратилган, — деди ўз маърузасида Л.Сафарова. — Иш вақти, ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш, меҳнат муҳофазаси меъёрларига амал қилиш билан боғлиқ барча масалаларни корхона маъмурияти касаба уюшма ташкилоти билан келишган ҳолда амалга оширди.

Жамоа шартномаси меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилади. Ушбу ҳужжат асосида аъзоларга моддий ёрдам берилди, соғломлаштирилди.

Маърузалар юзасидан сўзга чиққан Қаҳрамон Каримов, Александр Смирнов, Александра Пак ҳамда Дилноза Сариевалар бошланғич ташкилот фаолиятини янада яхшилаш борасидаги ўз таклиф мулоҳазалари билан ўртоқлашишди.

Лайло Сафарова бир овоздан корхона касаба уюшма қўмитасининг раиси этиб қайта сайланди.

Тошкент архитектура қурилиш институти касаба уюшма ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. 2010-2015 йиллар мобайнидаги фаолият якунлари ҳамда навбатдаги вазифалар ҳақида бошланғич ташкилот етакчиси Рихсивой Юсупов ҳисобот берди.

Маърузачи ҳисобот даврида жамоа шартномаларининг бажарилиши билан боғлиқ эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликларга тўхталди. Хусусан, аъзоларнинг ижтимоий ҳимоясига 34 млн. сўм, спорт тадбирларига 17 млн. сўм, маданий-оммавий ҳамда соғломлаштириш ишларига 33 млн. сўм сарфланганлигини таъкидлади.

Сўзга чиққанлар касаба уюшма ташкилотининг ҳисобот давридаги фаолиятини ижобий баҳоладилар.

Неъмат РАФИКОВ,
"Ishonch" мухбири

Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган касаба уюшма қўмитаси таркибидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейида ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтказилди. Унда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ташкилий ишлар бўлими етакчи мутахассиси Р.Қорабоев, Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнат муҳофазаси бўлими етакчи мутахассиси Б.Мирзаев, музей директори, профессор Бахтиёр Ҳасанов ҳамда ташкилот ишчи-ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда бошланғич ташкилотнинг 2010 йил феврал ойидан 2015 йил март ойигача бўлган фаолияти таҳлил қилинди. Музей касаба уюшма қўмитаси раиси Тожиддин Насритдинов ўтган давр мобайнида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, ҳуқуқий манфаатлари ҳимояси, шунингдек, меҳнат муҳофазаси қай даражада назорат қилинаётганлиги, қадимий шаҳарларга саёҳатлар ташкил этиш, ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш борасида амалга оширилган ишлар хусусида слайдлар орқали чиқиш қилди.

— Ишчи-ходимларнинг аксари аёллардир, — деди музей зал назоратчиси Фарида Рисқиева. — Бўш вақтимизни мазмунли ўтказиш учун бошланғич ташкилотимиз томонидан турли тадбирлар уюштирилади, шунингдек, ходимлар гимнастикаси хонаси ҳам ташкил этилган.

Йиғилишда ташкилий масала кўрилиб, келгусидаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
"Ishonch" мухбири

ФАОЛИЯТ

Юртимизда амалга оширилаётган ишларнинг барчаси инсон манфаати, фаровон турмуш, ёшларнинг ёрқин келажаги учун хизмат қилмоқда. Аҳоли реал даромадларининг 2000 йил билан таққослаганда 10 баробарга кўпайганлиги айни пайтда оилаларнинг 97 фоизи ўзининг хусусий кўчмас мулки — уй-жойига эга эканлигининг ўзиёқ қанчалар илгари силжиш юз берганлигини кўрсатади. Ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ютуқларда касаба уюшмаларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлиги эса барчамизга мамнуният бағишлайди.

ЎЗ СЎЗИ ВА ЎРНИГА ЭГА

Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тасарруфида 40 та бошланғич ташкилот бўлиб, 49747 нафар аъзо манфаатлари ҳимоя қилиб келинмоқда.

Шу ўринда Вазирлар Маҳкамаси, ЎзКУФК, Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган 2014-2016 йилларга мўлжалланган Бош келишув асосида тармоқ ва жамоа келишувлари қайта кўриб чиқилиб, уларга ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча имтиёзлар ҳамда давлатимиз томонидан ратификация қилинган халқаро конвенциялар талабларини қаноатлантирадиган бандлар киритилишига сабаб бўлганлигини таъкидлашни истардим.

Нуфузли жамоат ташкилотларига бўлган ишончнинг ортиб бориши фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатларда ҳам ўз ифодасини топаётир. Шу боис, ташкилотларда "Ишонч телефонлари" хизмати жорий этилди. Қолаверса, расмий веб-сайт орқали мурожаатларни қабул қилиш ва уларга жавоб қайтариш тизими йўлга қўйилди. Илгари аризаларнинг аксарияти моддий ёрдам кўрсатиш, йўлланма ажратиш ҳақида бўлган бўлса, эндиликда уларнинг 60 фоизини меҳнат қонунчилиги талабларига тушунчалар бериш, иш берувчининг ноқонуний ҳаракатларидан ҳимояланишга кўмаклашиш, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш билан боғлиқ масалалар ташкил этмоқда.

Илғор технологияларнинг ишлаб чиқаришга кенг жалб қилинаётгани сабабли ходимларнинг меҳнат хавфсизлигини таъминлаш долзарб масалалардан бирига айланган бўлиб, ўтган даврда жамоа шартномаларига меҳнат муҳофазаси бўйича киритилган тадбирлар учун 25 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

2013 йил тизимда "Бошланғич ташкилотлар йили" деб эълон қилиниши билан "Бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш дастури" қабул қилиниб, ижроси таъминланиши натижасида бошланғич ташкилот раисларининг 70 фоизи хўжалик субъектларининг бошқарув органлари, комиссиялари таркибига киритилди ва ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларига оид қарорлар қабул қилинишида улар фаол иштирок этиб келмоқда.

Муҳими, касаба уюшмалари асоси бўлган бошланғич ташкилотлар ролини ошириш бўйича амалга оширилган ишлар бугун ўз самарасини бера бошлади. Эндиликда етакчилар бошқарув ишларида ҳам ўз сўзи ва ўрнига эга бўлиб бормоқда.

Жамоа шартномалари орқали корхона ва ташкилотлар ҳамда касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан 4320 нафар ходим, уларнинг оила аъзолари турли санаторий-профилакторийларда соғлигини мустаҳкамлади. Тармоқ тасарруфидаги 5 та болалар оромгоҳида ёзги мавсумни юқори даражада ташкил этиш бўйича касаба уюшмалари иш берувчилар билан биргаликда зарур тадбирларни амалга оширди. Натижада, 4440 нафар бола ўрнига 4850 дан зиёд ўғил-қиз мазмунли ва мароқли дам олишига эришилди.

Корхона ва ташкилотларда "Маънавият соатлари" ташкил этилиб, амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмунмоҳияти ишчиларга атрофлича тушунтириб берилмоқда.

Соҳада халқаро алоқаларга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, Россия ва Белорус давлатларининг турдош касаба уюшма ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик келишуви имзоланди.

Шерали РАМАЗОНОВ,
Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари

НОДАВЛАТ СЕКТОР

МАҚСАД АНИҚ, ИНТИЛИШЛАР ҲАМ

— Аъзолик афзаллигига ишонч ҳосил қила бошлаганимизга ҳеч қанча вақт бўлмади, — дейди "Guliston socks businness" қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Аҳроржон Тошматов. — Аммо ишчилар манфаатини ҳимоя этишнинг ўзига хос концепциясини ишлаб чиқишга улгурдик.

Гулистон шаҳрида хитойлик тадбиркор билан ҳамкорликда Аҳроржон Тошматов раҳбарлигида ташкил этилган хусусий корхона эндигина йил юзини кўрди. 307 минг АҚШ долларига тенг ускуна ва жиҳозлар 26 нафар қўлигул ишчилар томонидан самарали бошқарилаётир.

Корхонада аёллар, эркаклар ва болалар учун турли дизайн ва бичимда пайпоқлар тайёрланмоқда. Иш уч сменада ташкил этилган. Ишчилар махсус кийим-бош билан таъминланган, шунингдек, бир маҳал бепул иссиқ овқат берилиши йўлга қўйилган.

— Жамоанинг асосий қисмини қизлар ташкил этади. Эътиборлиси, уларнинг деярли ҳаммаси коллеж битирувчилари, — дейди А.Тошматов. — Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмасининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси Эргаш Бўриев билан суҳбатдан сўнг, тўғриси, ходимлар учун қулай шароит яратишга жиддий ёндашиш зарурлигига янада ишонч ҳосил қилдим. Фаолиятнинг қонунийлигини таъминлаш мақсадида 2015 - 2017 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси қабул қилинди. Унда ходимларга кўрсатиладиган ижтимоий имтиёзлар белгилаб қўйилган.

Бошланғич касаба уюшмаси томонидан ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилиши ўз ишини эндигина бошлаган ёш ходимлар учун танишув вазифасини ўтади.

— Корхонада бир ярим йилдан буён ишлайман, — дейди ишчи Шаҳло Турсунбоева. — Гулистон қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги коллежини тикувчилик йўналиш бўйича тамомлаганман. Тикув машинаси ишлатишни билсам-да, замонавий ускуналарни кўриб ҳаяжонлангандим. Лекин иш юритувчимиз Лутфулла Мирзаалиев, техник операторимиз Феруза Собировaнинг кўмагида қисқа муддатда ишга киришиб кетдик. Эндиликда 168 та нинали ускуна умуман чўчитмайди, балки икки дақиқада тайёр маҳсулот тўқишдек мўъжизадан завқланмоқдаман. Кейин тикиш, дазмоллаш ва қадоқлаш жараёни бажарилади.

Жорий йил охирига қадар корхонада иш кўлами кенгайтирилиши режалаштирилган. Натижада, яна бир қанча ёш иш билан таъминланади.

Корхонанинг ҳомийлик кўмаги ҳам эътиборга молик. Хусусан, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар вилоятдаги болалар шаҳарчаси тарбияланувчиларига, пахта йиғимтерим мавсумида ҳашарчиларга бепул тарқатилди. Шунингдек, 14-мактаб ўқувчиларининг "Қувноқ стартлар" республика мусобақалари иштироки учун спорт кийимлари туҳфа этилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
"Ishonch" мухбири

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ИЖРОСИ МУҲОКАМАДА

"Талимаржон иссиқлик электр станцияси" унитар корхонаси жамоа шартномасининг ўтган йил бўйича бажарилиши ҳамда касаба уюшма қўмитасининг 2010-2014 йилларда олиб борган фаолиятига доир йиғилиш бўлиб ўтди.

ЯҚДИЛЛИК БИЛАН

— Меҳнат муҳофазаси, иш ҳақи, бандлик, ижтимоий-иқтисодий имтиёзлар, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш каби муҳим ишлар диққат марказида бўлди, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Анвар Ашуров.

Жамоада 1762 нафар ходим меҳнат қилади. Меҳнат шартномасида белгиланган барча бандларнинг ижроси таъминланмоқда.

Шартномада назарда тутилган ҳолларда узайтирилган ва қўшимча таътиллар берилиб, корхонада ишлаб пенсияга чиққан шахсларга қўшимча тўловлар тўланмоқда.

Меҳнаткашлардан 160 дан зиёди "Чинобод" дам олиш оромгоҳида, Фарғона вилоятидаги "Нурафшон" санаторийсида, "Ўзэлектртармоқ" УКга қарашли Тошкент ва Наманган шаҳарларидаги санаторийларда соғлигини мустаҳкамлашга эришди. Ёзги мавсумда ходимлар фарзандларидан мингга яқини корхонага қарашли Яккабоғ туманида жойлашган "Соҳибқирон" оромгоҳида дам олди.

Меҳнат шартномаси бекор қилинганда касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилиги олиниши белгилаб қўйилгани кўплаб чигалликларга барҳам бермоқда. Ўтган йил ички меҳнат тартиби қоидаларини бузгани сабабли 20 дан ортиқ ишчи-ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда, бевосита касаба уюшма қўмитаси аралашуви билан 18 нафар шахс ўз иш жойида қолдирилди. Мажбурий ишдан бўшатиш ҳоллари рўй бермади. Касаба уюшма қўмитасига келиб тушган аризаларнинг деярли барчаси ижобий ҳал қилинди.

Касаба уюшма қўмитасига қарашли Амир Темур номидаги маданият ва маърифат саройида турли тадбирлар, кечалар ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, қўмита таркибида спорт ишлари бўйича доимий комиссия ишлаб турибди. Корхона спортчилари вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, республика миқёсидаги спартакиадаларда муносиб иштирок этиб келмоқда.

Касаба уюшма қўмитаси, иш берувчи билан корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш, ходимларга хавфсиз иш шароити яратиш, соғлик учун зарарли жойларда ишлаётган ходимларга ғамхўрлик кўрсатиш юзасидан талай ишлар амалга оширилди. Бир ойда бир марта меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси куни ўтказилиб келинди.

Ишчи-хизматчилар соғлиги тиббиёт ходимлари томонидан мунтазам назорат қилиб турилади. Махсус тиббиёт хонаси жиҳозлар ва керакли дори-дармонлар билан таъминланган. Ўтган йил ишчи-ходимлар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди.

Йиғилишда Нуристон саноат-энергетика коллежи битирувчилари билан уч томонлама шартнома имзоланиб, 27 нафар битирувчи ишга қабул қилингани, ёшлар касб сирларини пухта эгаллаб олгунига қадар тажрибали устозларга бириктирилгани қайд этилди.

***

Шунингдек, корхона касаба уюшма қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференциясида беш йиллик фаолият атрофлича таҳлил қилинди. Касаба уюшма раиси корхонада яратилган иш ўринлари, Яккабоғ туманида 50 гектар интенсив боғ ташкил этилгани, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибда уй-жойлар қуриш учун мақсадли давлат дастурини амалга ошириш бўйича 2010-2014 йиллар давомида 110 нафар ходим учун имтиёзли ссудалар ажратилгани алоҳида таъкидланди.

Акмал АБДИЕВ,
"Ishonch" мухбири

КЎРИК-ТАНЛОВ

Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танловининг Хоразм вилоят босқичи бўлиб ўтди.

УЧ НОМИНАЦИЯ БЎЙИЧА

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тизимида "Энг яхши корхона" йўналишида "Урганч ёғ-мой" АЖ, "Энг яхши касаба уюшма қўмитаси" номинациясида "Ҳазорасп пахта тозалаш" ОАЖ, "Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил" танловида эса "Шовот дон маҳсулотлари" АЖга 1-ўрин насиб қилди.

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси тизимида танловнинг барча йўналишлари бўйича "Хоразм йўл қурилиш ташкилоти"га тенг келадигани топилмади.

Шунингдек, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари, Таълим, фан ва маданият ходимлари, Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмалари тизимидан туман босқичида ғолиб бўлган жамоалар ушбу учта номинация бўйича куч синашиб, биринчи ўринни эгаллаган корхона ва ташкилотларга республика босқичида қатнашиш имкони берилди.

Марат ЭШМАТОВ,
вилоят касаба уюшма ташкилоти бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири

МАСЪУЛЛИК ИФОДАСИ

Навоий вилоятида "Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини ташкил этиш юзасидан Республика кўрик-танлови"нинг биринчи босқичи уч номинация бўйича ўтказилди.

Кўрик-танловда шаҳар ва туманлар тизимидаги 56 та бошланғич ташкилот иштирок этди. Ишчи-комиссия томонидан корхоналардаги меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолати атрофлича таҳлил қилинди. Шунингдек, ҳар бир номинация бўйича иштирокчи ишини акс эттирувчи кўрсаткичлар, тизимда амалга оширилган ишлар, жамоа шартномаларига киритилган бандлардаги тадбирларнинг бажарилишига баҳо берилди.

Ҳайъат аъзоларининг хулосаларига кўра "Энг яхши корхона" номинацияси бўйича "Ипотекабанк" АТИБ, "Навоийазот"АЖ, "Қизилқумцемент" АЖ, "Ўзбектелеком" АК Навоий филиали, "Қизилтепа пахта тозалаш" АЖ, Навоий шаҳридаги 11-умумтаълим мактаби, "Навоий шароб савдо" МЧЖлари ғолибликни қўлга киритдилар.

"Энг яхши касаба уюшма қўмитаси" ва "Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакил" номинациялари бўйича ғолиблар ҳам иккинчи босқич иштирокчисига айланишди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

2015-yil 7-aprel, seshanba, № 44 (3549), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ҒУРУР ВА ИФТИХОРИМИЗ РАМЗИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

ШАРҚ РЕНЕССАНСИ

Дарҳақиқат, бугунги таҳликали замонда ойдинлашаяптики, халқларни бир мақсад йўлида бирлаштириш, бунёдкорлик сари дадил етаклаш нечоғли машаққатли ва шарафли вазифа экан. Тарихдан маълумки, мўғул истибдоди юртни, халқни мушкул аҳволга солган эди. Шунда Амир Темур тарих саҳнасига чиқди. У нафақат Мовароуннаҳрни босқинчилардан озод қилди, барқарорлигини таъминлади, балки ўзига хос цивилизация — Шарқ Ренессанси юзага келишига замин яратди. Қисқача айтганда, дунё нигоҳи Марказий Осиёга қаратилди, Туронзамин барқарор ва тараққий этган ҳудудга айланди.

Жумладан, Президентимизнинг ***"Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти"*** мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида таъкидлаганидек: *"Кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳри бетакрор шарқона руҳи ва қиёфаси, бой тарихи, бу ерда сақланиб қолган ноёб, ҳар қандай одамни ҳайратга соладиган обидалари билан сайёрамизнинг турли ўлкаларида афсонавий шаҳар сифатида маълуму машҳурдир. Мовий гумбазлари миллионлаб сайёҳларни ўзига мафтун этадиган Самарқанднинг Рим билан бир қаторда "абадий шаҳар" деган ном билан бутун дунёда шуҳрат қозонгани бежиз эмас, албатта."*

Шаҳарнинг шундай юксак мақомга эришишида, шубҳасиз, Амир Темурнинг хизмати беқиёс. Дунёнинг турли бурчакларидан қўлигул ҳунармандларнинг олиб келиниши, илму фан ривожига алоҳида аҳамият қаратилиши, бир-биридан бетакрор боғларнинг барпо этилиши, муҳими, фаровонликка жиддий эътибор қаратилиши Самарқанд мақомининг асоси бўлиб хизмат қилди. Ушбу жараённинг бевосита гувоҳи бўлган испан сайёҳи Руи Гонсалес де Клавихо ўзининг "Самарқандга — Амир Темур саройига саёҳат кундалиги"да ўлкадаги фаровонликни шундай ифодалайди: *"Бу юрт дон-дун, май, мева-чева, парранда гўшти, (бошқа) ҳар хил гўшт, қўйингки, ҳамма нарсага бойдир..."*

Эътиборли томони, тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Мовароуннаҳрда мўғулларнинг қарийб 140 йиллик ҳукмронлик даврида биронта ҳам кўзга кўринарли қурилиш ёки сув иншоотлари вужудга келмаган. Амир Темурнинг ташаббуси билан эса 1365 йилда Қарши, 1370 йилда Самарқанд, 1380 йилда эса Кешнинг атрофи қайтадан мудофаа деворлари билан ўралган. Шунингдек, халқ фаровонлиги, мамлакат ободончилиги йўлида сув омборлари, тўғонлар қуришга, ариқлар қазишга, янги ерларни ўзлаштиришга алоҳида эътибор берилган. Мамлакатнинг иқтисодий аҳволини кўтаришда савдонинг аҳамияти беқиёс эканлигини тушунган ҳукмдор бозорлар, расталар ва тимлар, турли-туман устахоналар барпо этиб, халқ ҳунармандчилик санъатини тараққий эттирган.

Юқорида таъкидлаганимиз, Амир Темур ва темурийлар даври ўзига хос Шарқ Ренессанси дея баҳолангани бежиз эмас. Бунга Темурийлар тарихи давлат музейи экспонатлари мисолида ҳам гувоҳ бўлишимиз мумкин. Ватанимизнинг XIV-XVI асрлар тарихини акс эттирувчи Амир Темур ва темурийлар даврига оид қўлёзма асарлар, турли давлатлар ҳукмдорлари билан олиб борилган ёзишмалар, нодир китоблар, тангалар, сопол ва мис буюмлар, қадимий қуроласлаҳалар, миллий ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати намуналари музей фондининг асосий қисмини ташкил этади. Археология экспедициялари топилмалари, кўплаб юртдошларимиз томонидан тақдим этилган тарихий, маданий аҳамиятга эга буюмлар, чет элларга олиб кетилган маданий ёдгорликларни қайтариш борасидаги ишлар музейнинг тарихий ашёлар билан бойишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Музейда халқаро ва минтақавий ташкилотлар, кўплаб давлат раҳбарлари, ҳукумат бошлиқлари, делегациялар, дипломат ва ишбилармонлар, маданият ва санъат намояндаларининг зиёратда бўлгани жаҳонда бой маданиятимиз ва тарихимизга қизиқиш ва эҳтиром юксаклигидан яна бир далолатдир.

Амир Темур таваллуд топган ҳудуд — Шаҳрисабздаги бунёдкорлик ишларининг ўзи бир достон. Ўтган йил ноябрда, дўстимнинг тўйи муносабати билан борганда виқор-ла турган бобомиз ҳайкали, улкан Оқсарой ёдгорлиги атрофида кенг кўламли қурилиш ишлари бошлаб юборилганининг гувоҳи бўлдик. Бир сўз билан айтганда, Шаҳрисабз тўбдан ўзгараётир. Эндиликда, Тошкент, Самарқанд каби Соҳибқирон тақдирида муҳим аҳамиятга эга ушбу шаҳар ҳам нафақат халқимиз фахрланадиган, балки сайёҳлар ҳайратига сабаб бўладиган гўзал масканга айланаётир.

Дарвоқе, ўтган йили Термиз шаҳрига мустақиллик йилларида шаҳар аҳлининг ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда эришган муваффақиятлари, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси, халқимизнинг тарихий ва маънавий меросини асраб-авайлаш, ёшларимизни улуғ аждодларимизга хос эзгу қадриятлар, мардлик ва жасорат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги улкан хизматлари учун Амир Темур ордени берилди. Ушбу юксак мукофотни топширишга бағишланган тантанали маросимда мамлакатимиз Президенти томонидан айтилган қуйидаги эътироф диққатга сазовор: *"Термиз тарихи ҳақида сўз юритар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, бу шаҳар унинг тарихига ёрқин саҳифалар битган Амир Темур бобомизнинг муборак номи билан чамбарчас боғланиб кетганини эсга олишимиз табиийдир.*

Термиз шаҳри Соҳибқирон бобомиз Турон заминида барпо этган буюк ва қудратли давлатнинг мустаҳкам қўрғонига, салтанат таянчига айланган".

Қадимий ва навқирон шаҳарларимиз қиёфаси янада гўзаллашаётгани қувончлидир. Аслида, шунча бунёдкорлик, фаровонликнинг тагзаминида нима ётади? Шубҳасиз, тинчлик ва ушбу хотиржамликни таъминлашда асос бўлаётган адолат тамойилларидир. Ростдан халқимизнинг юзкўзига қаранг, фаолиятига боқинг! Баҳорнинг илк одимларидек уйғонишни, жўшқинликни кўрасиз. Ҳақиқатан ҳам, ҳозирда нафақат барча вилоят марказларида, балки чекка ҳудудларда ҳам амалга оширилаётган бунёдкорликлар Амир Темурга муносиб ворис эканимизни тасдиқлайди.

КУЧ — АДОЛАТДАДИР

Амир Темур фаолиятининг адолатга қурилгани тарихий манбаларда, аввалам­бор, "Темур тузуклари"да ёрқин акс этган. Унда давлат тизими, лавозимлар вазифаси, ундаги турли тоифалар ва уларга муносабат, давлатни бошқаришга асос бўлган қоидалар, қўшинларнинг тузилиши, тартиби, уни бошқариш, таъминлаш, рағбатлантириш, қўшин турларининг тутган ўрни ва ўзаро муносабати каби масалалар баён этилади. *"Салтанатим мартабасини,* — деб таъкидлайди Амир Темур, — *қонун-қоидалар асосида шундай сақладимки, салтанатим ишларига аралашиб, зиён етказишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди".* Темурнинг, айниқса, солиқлар ҳақидаги қоидаси жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Темур ёзади: *"Солиқлар йиғишда халқни оғир аҳволга солишдан ёки ўлкани қашшоқликка тушириб қўйишдан эҳтиёт бўлиш зарур. Негаки, халқни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади, хазинанинг беқувватлиги ҳарбий кучларнинг тарқоқланишига, бу эса, ўз навбатида ҳокимиятнинг кучсизланишига сабаб бўлади..."* Бу ўз даврида камёб ҳодиса бўлган ижтимоий адолатнинг беназир намунаси эмасми?! Бугунги кундаги кучли ижтимоий ҳимоя, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар, эҳтиёжманд аҳоли қатламларига кўрсатилаётган эътибор, барча-барчаси, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъана, улуғ фазилат эканидан даракдир.

Амир Темур ҳарбий салоҳиятда жаҳонга машҳур саркарда ва замонасининг энг қудратли ҳукмдори бўлиши билан бирга, унинг ҳарбий назарияси ва амалий ҳарбий санъати, тактика ва стратегияси, армия таркибининг тузилиши ўз даврининг мўъжизаси эди. "Темур тузуклари"ни инглизчадан француз тилига таржима қилиб, 1787 йилда нашр этган француз олими Лянглэ Темур ҳақида шундай ёзади: *"Темур хон (Темур) сиёсий ва ҳарбий тактика ҳақида рисола ёзган ва ўз авлодларига жуда доно тизим қолдирган. Биз бунга тасаввур ҳам қилмаган эдик ва унинг урушларини босқинчилик ва талон-тарож қилиш деб баҳолаб келган эдик. Деярли енгиб бўлмайдиган икки тўсиқ — биздаги таассуб ҳамда тарихий ноҳақлик Темурни билишимизга ва тўғри баҳолашимизга халақит бериб келди".*

Юртбошимизнинг "Темур тузуклари"нинг янги нашри сўзбошисида қайд этилган қуйидаги эътирофи, айниқса, эътиборга моликдир: *"Мен ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор-такрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган ҳаёт ҳикматларининг қанчалик тўғри эканига кўп бор ишонч ҳосил қилганман. Масалан, "Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир", деган фикрлар бугунги кунда ҳам нақадар долзарб экани барчамизга аён. Ёки у зотнинг: "Салтанат ишларининг тўққиз улушини машварат, тадбир ва кенгаш, қолган бир улушини эса қилич билан бажо келтириш зарур", деган кўрсатмаларида ҳозирги нотинч замон учун, XXI аср сиёсатдонлари учун ҳам ҳар жиҳатдан ибратли фикрлар борлигини таъкидлаш жоиз. Амир Темур бобомизнинг бундай чуқур маъноли сўзлари, айниқса, "Билаги зўр бирни, билими зўр мингни йиқар", деган ҳикмати инсонни доимо ақл-идрок, илму маърифат асосида яшашга даъват этиши билан эътиборлидир."* Ана шундай тамойиллар асосида тарбия топган ёшларимиз, шубҳасиз, Соҳибқирон улуғлаган заминни асраб-авайлашга, адолатнинг устувор бўлишига ўз фаолияти, жонбозлиги билан ҳисса қўшаётир, деб бемалол айтишимиз мумкин.

ЭЪТИБОРНИНГ ЭЪТИРОФИ

"Мулук шажараларининг бўстони ва салотин гавҳарларининг уммони, хоқони жаҳонгири соҳибқирон, яъни: Темур Кўрагон — агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хуб маҳал ва мавқеъда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқиғони минг яхши байт айтқонча бор." дейди ҳазрат Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис" асарида. Амир Темур илм-фан, маънавият аҳлига эътибор, меҳрибонлик кўрсатиб, улардан жамият маданий ҳаётида фойдаланишга интилар экан, тарихчи Ибн Арабшоҳ ёзганидек, *"Темур олимларга меҳрибон, саййиду шарифларни ўзига яқин тутар эди. Уламо ва фузалога тўла иззат-ҳурмат кўрсатиб, уларни ҳар қандай одамдан тамом муқаддам кўрарди. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, иззату икромини унга изҳор қиларди".*

Шу боис ҳам ўша давр кўплаб манбаларда акс этган. Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига доир кўплаб асарлар яратилган. Улар орасида Соҳибқирон билан замондош ва бевосита мулоқотда бўлган муаррихлар Шарафуддин Али Яздий ва Низомиддин Шомийнинг алоҳида-алоҳида "Зафарнома" номли тарихий китоблари, Ибн Арабшоҳнинг "Темур тарихида тақдир ажойиботлари" асари катта қимматга эга. Бундан ташқари, темурийлар даври тарихи мукаммал яратилган солномалар Ҳофизи Абрўнинг "Тарихлар сираси", Мирхонднинг "Равзат ус-сафо" асарлари, шунингдек, Кастилия қиролининг элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг "Самарқандга — Амир Темур саройига саёҳат кундалиги" асарлари эътиборга молик. Орадан олти ярим асрдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, ҳали-ҳануз Соҳибқирон ҳақида турли санъат турлари ва жанрларда асарлар яратилмоқда. Жумладан, жаҳон адабиётида Кристофор Марлоунинг "Буюк Темур" трагедияси, Иоганн Вольфганг Гётенинг "Темурнома"си, инглиз адиби Чарльз Саундерс қаламига мансуб "Улуғ Темур" трагедияси, Абдулла Хотифнинг "Темурнома" достони, француз тарихчиси Рене Груссеннинг "Саҳро салтанати" асари, Самиул Кларкнинг "Буюк Тамерлан ҳаёти" китоби, Ҳильда Ҳуҳэмнинг "Етти иқлим султони" романи сингари адибларнинг асарлари буюк бобомизнинг дунё миқёсидаги обрўсидан далолат беради.

Мустақиллик йилларида ўзбек олимлари жиддий тадқиқ этишга киришган Амир Темур сиймоси ўзбек адабиётида ҳам кенг талқин этилаётир. Жумладан, Муҳаммад Алининг тўрт китобдан иборат "Улуғ салтанат" номли романи кенг қамровлилиги, Соҳибқирон шахсига нисбатан ўзига хос муносабат билдирилгани билан ўқувчи эътиборини тортади.

ХУЛОСА

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг жорий йил 3 апрел сонида чоп этилган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг "Исмим Темурбекдир, Темурбек сўзим" монолог-шеърида Соҳибқирон тилидан шундай дейилади:

Оллоҳдан сўраймен, то замон-замон,
Жаннатдай юртимни асрагин омон.
Дунёга таралсун донғи, достони,
Илоҳи, мусаффо бўлсун осмони!

Шундай эзгу ниятлар ижобати йўлида адолат яловини маҳкам тутган ҳолда Буюк амир мақомига эришган бобомиз ворислари бугун истиқлол машъаласини тутган ҳолда ёрқин келажак сари дадил одимламоқда. Фаровонлик ва бунёдкорлик йўлида жонбозлик кўрсатаётир. Бундан кейин ҳам Амир Темур сиймосига эҳтиром кўрсатилиши, унинг фаолияти ҳақида яна кўплаб тадқиқотлар олиб борилиши, мумтоз адабий намуналар яратилиши шубҳасиз. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек: *"Амир Темур бобомизнинг номи, шаъну шавкати ва мероси ҳам қайта тикланиб, бу буюк зот ҳақидаги асл ҳақиқат холис ва ҳаққоний ёритилмоқда, тадқиқотлар олиб борилмоқда, китоблар ёзилмоқда. Зеро, Амир Темур шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурни улуғлаш — тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимиз, маданиятимиз, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизни, ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир".*

Акмал ТОШЕВ,
"Ishonch" мухбири

НУҚТАИ НАЗАР

Инсон ҳаёти, саломатлиги — бебаҳо. Шу боис, ўтган йиллар мобайнида барча соҳаларда бўлгани каби, соғлиқни сақлаш, фармацевтика тизимида ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Маълумотларга кўра, 2014 йилда мамлакатимизда 6500 дан ортиқ номдаги (1265 номдагиси маҳаллий) дорилар ҳамда 1705 номдаги тиббий техникалар давлат рўйхатидан ўтказилиб, амалиётда қўллашга рухсат этилган.

ФАРМАЦЕВТИКА ҚОНУНЧИЛИГИ

такомиллаштиришга муҳтожми?

Мазкур йўналишдаги фаолият «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида», «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида», «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида», «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги каби Қонунлар ҳамда қирқдан зиёд норматив ҳужжат билан тартибга солинмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 майдаги «Доривор воситалар, тиббий буюмлар ва даволаш-профилактика озиқ-овқатлари сифати устидан давлат назоратини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорига асосан Соғлиқни сақлаш вазирлигида Доривор воситалар ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси ташкил этилди. Кейинчалик унинг қошида Дори воситалари экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази ҳамда Самарқанд, Андижон, Қарши ва Урганч шаҳарларидаги ҳудудий бўлинмалари фаолияти йўлга қўйилди.

Адлия вазирлиги томонидан соҳавий фаолиятни тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилди. Унинг натижаси амалдаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди. Хусусан, «Даволаш-профилактика муассасаларида дори воситаларини тайинлаш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби, шунингдек, дорихона муассасалари томонидан аҳолига дори воситаларини рецепт асосида бериш тўғрисида»ги низомнинг (2010 йил 29 июнда Адлия вазирлиги томонидан 2118-сон билан рўйхатга олинган) 30-бандида дорихоналарда дорилар Ўзбекистондаги даволаш-профилактика муассасаларининг даволовчи шифокорлари томонидан ушбу низомда белгиланган тартибда ёзилган рецептларга асосан берилиши, шифокор рецептисиз сотиладиган дори-дармон бундан мустасно экани белгилаб қўйилган.

Бироқ бугун қандай препаратларни шифокор рецептисиз сотиладиган дори-дармонлар рўйхатига киритишни белгиловчи тартиб, яъни механизм мавжуд эмас. Бу, ўз навбатида, рецепт асосида сотилиши лозим бўлган дориларнинг мазкур рўйхатга киритилишига, оқибатда ушбу турдаги препаратлар дорихоналарда эркин сотилишига сабаб бўлиши, одамлар билиб-билмай ҳар хил дориларни сотиб олиши ва истеъмол қилиши мумкин. Бу эса беморнинг ҳаётига хавф солиши ҳеч гап эмас. Шу боис шифокор рецептисиз сотиладиган дорилар рўйхатини тузиш ва амалиётга татбиқ этиш тартибини белгиловчи ҳужжат ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

«Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонун соҳага оид муҳим ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Унда дори-дармон, препаратлар, доривор моддалар (субстанциялар) тушунчаларининг фарқлари аниқ кўрсатиб ўтилган. Хусусан, Қонунда келиб чиқиши табиий ва суньий бўлган бир ёки бир нечта доривор моддалар (субстанциялар) ҳамда ёрдамчи моддалар асосида ҳосил қилинган, касалликнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш учун қўллашга рухсат этилган воситалар дори воситалари экани белгилаб қўйилган.

Ҳозир касаллик ҳисобланмайдиган, бироқ инсон хоҳламайдиган ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган дори-дармонлар ҳам мавжуд. Масалан, препаратлар ёрдамида ҳатто исталмаган ҳомиладорликнинг ҳам олди олинмоқда. Ҳомиладорлик эса касаллик эмас. Демак, ҳомиладорликнинг олдини олишда қўлланадиган препаратлар «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунда кўзда тутилмагани учун ҳам баъзан дорихоналардан ташқарида сотилиши ва уларни назорат қилишда турли хил қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Баъзи давлатларнинг дори воситалари муомаласига оид қонунларида инсон ёхуд ҳайвон организми билан муносабатга киришадиган, инсон ёхуд ҳайвон организми, тўқималарига кириб борадиган (инсон ёхуд ҳайвон организми билан муносабатга киришмайдиган моддалар ёки уларнинг бирикмалари бундан мустасно), касалликни даволаш, реабилитация қилиш, ҳомиладорликни сақлаб қолиш, олдини олиш ёки тўхтатиш учун ва қон, қон плазмалари, инсон ёки ҳайвон, ўсимлик, минераллар органларидан синтез қилиш орқали ёки биологик технологияларни қўллаган ҳолда олинган моддалар ёки уларнинг бирикмаси дори воситалари экани қайд этилган. Шунингдек, унда касалликнинг олдини олиш, ташхис қўйиш, даволаш, реабилитация қилиш, ҳомиладорликни сақлаб қолиш, олдини олиш ёки тўхтатиш учун қўлланадиган дори шаклидаги воситалар дори препаратлари экани белгилаб қўйилган. Яъни, инсон хоҳиш-истагига қараб истеъмол қилинадиган дори-дармон ҳам қамраб олинган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунга инсонда рўй берадиган, аммо касаллик ҳисобланмайдиган, киши истамайдиган ҳолатларнинг олдини олиш, уларни бартараф этишда қўлланадиган дори-дармонлар тушунчаси ва уларнинг муомаласини тартибга солувчи норма киритилса, амалдаги қонунчилик янада мустаҳкамланарди.

Шу ўринда препаратларнинг, хусусан, дориларнинг рекламасига ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Дунёнинг йирик фармацевтика компаниялари ўз маҳсулотларининг рекламасига зўр беришади. Бу эса бозор иқтисоди қонунияти ҳисобланади. Ҳатто улар рекламани тартибга солувчи қонунлардаги бўшлиқлардан фойдаланишга ҳаракат қилишади.

Дориларнинг рекламасига оид қонунчилик такомиллаштириб борилса, носоғлом муҳитнинг олди олиниб, маълум маънода аҳоли хавфсизлигига эришилади. Маълумки, «Реклама тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рухсатисиз вояга етмаганлар учун мўлжалланган дори воситаларини реклама қилишга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 6 апрелда 1024-сон билан рўйхатга олинган «Рекламани жойлаштириш тўғрисида»ги низомнинг 8-бандида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рухсатисиз вояга етмаганларга мўлжалланган дори воситалари рекламасини жойлаштириш, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари, телевидение ва радиоларда реклама қилишга йўл қўйилмайди, деб белгиланган.

Шундай бўлишига қарамай, бугун жуда кўп ҳолатларда дорилар рекламасига дуч келаяпмиз. Хусусан, умумий фойдаланишдаги транспортлар, кўчалар, интернет тармоқлари, кийим-кечаклар, сувенирлар, канцелярия моллари, календарлар, жамоат жойлари ва шу каби бошқа объектларда бундай рекламаларни кўришимиз мумкин. Уларда нафақат вояга етмаганлар, балки барча ёшдаги одамларга мўлжалланган препаратлар реклама қилинмоқда.

Шунинг учун ҳам «Реклама тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Рекламани жойлаштириш тўғрисида»ги низомга Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рухсатисиз нафақат вояга етмаганларга мўлжалланган, балки умуман дори воситалари рекламаси билан боғлиқ чеклов ва тақиқларни назарда тутувчи норма киритиш мақсадга мувофиқдир.

Дилдора МУҲИДДИНОВА,
1-Республика тиббиёт коллежи
"Фармация" кафедраси
катта ўқитувчиси

ФАХРИЙЛАР — ФАХРИМИЗ



ҲАМИША ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМДА

Яқинда муаззам Мустақиллик майдонидаги мотамсаро Она ҳайкали пойида тиловот қилаётган бир нуронийни кўрдим-у дарҳол танидим. Кўз ўнгимда ўтган асрнинг 60-йиллари жонланди. Узун бўйли, алиф қадли бу кишининг савдо-сотиқ борасидаги маъруза-лари кўпдан-кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлгани ёдимда...

Бу нуроний инсон илмий жамоатчилик ўртасида иқтисодиёт фанлари номзоди Мадамин Ҳасанов, маҳалла-кўй эса Ҳожи ота деб биладиган — Муҳаммадаминжон Ҳасановдир.

Устоз бундан 91 йил муқаддам Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани Хонобод қишлоғида туғилган. Дастлаб етти йиллик ўрта таълим мактабида таҳсил олган, сўнгра ўша давр тақозоси билан муаллимлик қилган.

Устознинг ҳаётидаги туб ўзгаришлар Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларга тўғри келади. Муҳаммадаминжон ака "Ўзбекбирлашув"ни қарийб 23 йил бошқарди. Қолаверса, бир қатор савдо билим юртларини ташкил этишда жонбозлик кўрсатди.

У киши ҳақида гап кетганда, биров: "Менга сабоқ берган", деб фахрланса, бошқаси: "Менга иш ўргатган", дея чексиз ғурур туяди. Яна бири эса, устознинг инсоний фазилатлари ҳақида гапиради. Элюрт орасида бундай ҳурмат-эътибор топишининг ўзи бўлмади, албатта. Бир ўйлаб кўринг-а! Болалиги ўттизинчи йиллар қаҳатчилигига, йигитлик дамлари Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келган Ҳасанов учун илмий изланишлари мустабид тузум даврига тўғри келганлигини бугун ҳамма ҳам тушунмаслиги мумкин. Мустабид тузум иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун "Ўзбекистон матлуботини ривожлантиришда улгуржи савдо, уни такомиллаштириш йўллари" мавзусида диссертация ёзаётган устозни кўплаб муаммоларга рўбарў этарди. Шундай қийинчиликларни енгиб ўтиб, устоз савдо фаолиятига доир иккита монография, 20 га яқин рисола ёзди.

Устоз мамлакатимиз мустақилликка эришганида олтмиш етти ёшини қарши олганди. Юртимиз тарихидаги янги давр бой ҳаётий, илмий тажрибага эга Муҳаммадаминжон акага куч-қувват бағишлади. У Ўзбекистонда демократик ислоҳотларнинг бориши, савдо соҳасининг янги ўзанга тушиши ва бозор иқтисодиётининг муҳим жиҳатлари хусусида туркум мақолалар чоп эттирди.

"Ўзбекистонда хизмат кўрсатган савдо ходими" фахрий унвонига муносиб кўрилиб, бир қатор медаллар билан тақдирланди. Муҳаммадаминжон ота Ҳасанов Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Марказий Кенгаши аъзоси, Халқаро "Экосан" жамғармаси қошидаги нуронийлар уюшмаси раиси сифатида фаолият юритмоқда. Қолаверса, таълим муассасаларида, маҳаллаларда, ишлаб чиқариш корхоналарида бўлиб, юртимизда амалга оширилган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётир.

Карим ХЎЖАЕВ,
профессор

2015-yil 7-aprel, seshanba, № 44 (3549), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

НУРОНИЙЛАР «ТУРОН»ДАН МАМНУН

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Тизимдаги санаторий-соғломлаштириш масканларида уруш ва меҳнат фронти фахрийлари учун тиббий-ижтимоий хизматлар кўлами кенгайтирилаётир. Барча муассасаларда "Уруш ва меҳнат фахрийлари бўлимлари" ташкил этилган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ мазкур бўлимлардаги хоналарни таъмирлаш, замонавий мебеллар билан таъминлаш, қўшимча ёруғлик мосламалари ва навбатчи шифокор билан боғлайдиган алоқа воситаларини ўрнатиш ишлари амалга оширилди.

Пойтахтимиздаги "Турон" санаторийсида ҳам ўн олтита уруш ва меҳнат фахрийлари хонаси, учта интенсив муолажа, руҳшунос маслаҳати, жисмоний имконияти чекланган кексалар учун даволаш, ётоқ ва ошхона бўлимларида аравачалар ҳаракати учун қулайликларга эга қўшимча йўлаклар, алоҳида ошхоналар ташкил этилди. Турли маданий-маърифий тадбирлар мунтазам ташкил этилаётгани фахрийларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришига кўмаклашмоқда.

— Муассасамизда икки авлод учрашувлари ташкил этилаётир, — дейди санаторий бўлим бошлиғи Бернора Эргашева. — Санъаткорлар концерти, яқин жойлардаги тарихий қадамжоларга саёҳатлар уюштирилаётир. Алоҳида эътиборга муҳтож кексаларни кузатиб келувчилар учун ҳам шароитлар яратилган.

Икки юз эллик ўринли мазкур сиҳатгоҳда йил давомида ўн мингга яқин даволанувчи ўз саломатлигини мустаҳкамлайди. Асаб, юрак, қон-томир касалликларини соғломлаштиришга мўлжалланган санаторийда асосан ёши улуғ отахон ва онахонлар муолажа олмоқда. Бу ердаги шарт-шароитларнинг қулайлиги, тиббиёт ходимларининг хизмати даволанувчиларга манзур бўлмоқда.

— Бу ердаги муолажалардан сўнг ўзимни анча бардам сезмоқдаман, — дейди навоийлик Раҳмат ота Ҳайитов. — Кексаларни эъзозлаш йилида биз фахрийларга янги-янги қулайликлар тақдим этилаётгани, дам олишимиз, саломатлигимизни мустаҳкамлашимиз учун имкониятлар яратилаётгани кўнглимизни кўтармоқда. Бундан жуда мамнунмиз.

Юртимизда ёши улуғ инсонлар, Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, қайси хонадонда нуроний отахон ёки онахон бўлса, бу оилада, албатта, файзу барака, фаровонлик, аҳиллик бўлади.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири.
ЎзА фотомухбири
Ёлқин ШАМСИДДИНОВ
олган суратлар

КАСАБА УЮШМА СИҲАТГОҲЛАРИДА

1970 йиллар Самарқанд вилоятининг Нуробод тумани Нурбулоқ қўрғончасида бир неча булоқ кўз очди. Кўп ўтмай, чашма сувининг шифобахшлиги ҳақида гап тарқалди. Хушхабар Н.А.Семашко номидаги Ўзбекистон курортология ва физиотерапия илмий текшириш институти олимлари қулоғига ҳам етди. Илм аҳли бундай имкониятни қўлдан чиқарармиди, дарҳол ўрганишга тушишди. Булоқ сувининг шифобахш хусусиятга эга эканлигини аниқлашди.

РОДОНЛИ СУВ — ШИФО МАНБАИ

Натижада, Абу Али ибн Сино номидаги санаторий ташкил этилди. Ўтган йиллар давомида қанчадан-қанча беморлар бу ерда дардига шифо топмади дейсиз. Айни пайтда ҳам маъданли табиий родонли сув орқали муолажа ишлари кенг кўламда олиб борилаётир. У қон айланиш, меъда ва жигар фаолиятини яхшилайди. Қонда холестерин, қанд, пурин тузлари миқдорини камайтиради. Регенерация жараёнини жадаллаштиради. Асаб тизими фаолиятини мувозанатлайди. Родонли ванна турли жараёнларда рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади, организмнинг ўта сезгирлигини камайтиради. Организмга оз миқдорда сурилган родон кўзғалувчанликни ошириб, периферик нерв ўтказувчанликни кучайтиради, организмда қон яратилишига ижобий таъсир кўрсатади, тухумдонлар функциясини яхшилайди.

Бундан ташқари, физиотерапиянинг турли усуллари, даволаш физкултураси, парҳез таомлар, шифобахш балчиқ, уқалаш, иглоферлексотерапия ҳам қўлланилади. Жуда зарур бўлгандагина, дори-дармон тавсия этилиши мумкин.

Хуллас, санаторий шифобахш минерал суви, қулай табиий шароити, гўзал манзараси билан кўпчиликнинг эътиборини тортаётир. Ҳар йили бу ерда уч мингдан зиёд киши саломатлигини тиклаб, уйига қайтади.

Шифокорлар билимдон ва ширинсухан, ўз вазифаларига сидқидилдан ёндашадилар. Шу боис дам олувчилар сони йилдан-йилга ортаётир. Ҳатто Россия, Қозоғистон, Тожикистон ва бошқа давлатлардан келиб, шифо топиб кетаётганлар оз эмас.

Бердирасул ХОЛМУРОДОВ,
олий тоифали шифокор

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

ҲАЙРАТГА САЗОВОР

Ўзбек спорт гимнастикаси мактабининг энг тажрибали вакиласи, бир неча карра Жаҳон ва Осиё чемпиони, Олимпия ўйинларининг олти карра иштирокчиси ҳамда совриндори Оксана Чусовитина бир кам қирқ ёшда ҳам мухлису мутахассисларни ҳайратда қолдиришда давом этмоқда.

Бу гал спортчимиз Словениянинг Люблян шаҳрида ташкил этилган Жаҳон чемпионатининг навбатдаги босқичида барча рақибаларини ортда қолдирди.

Таяниб сакраш беллашувларида иштирок этган спортчимиз 14,600 балл тўплаб, мусобақа ғолибасига айланди. Ундан кейинги ўринларни Тея Белак (Словения) ва Ноел ван Клаверен (Голландия) банд этди.

Таъкидлаш жоизки Оксана Чусовитина жорий йилнинг март ойида Котбус (Германия) шаҳрида ўтказилган Жаҳон чемпионатининг аввалги босқичида ҳам зафар қучганди.

ВЕЛОСПОРТ

Таиландда рейтинг очколари учун кечган кўп кунлик халқаро турнир якунига етди.

ОЛИМПИЯ САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ

"Таиланд тур — 2015" мусобақаси Олимпия ўйинлари йўлланмасини қўлга киритишда ёрдам берувчи рейтинг очколарини тақдим этгани боис, мухлислар муросасиз беллашувларга гувоҳ бўлишди. Унда юртимиз шарафини Муроджон Холмуродов, Абдуллажон Акбаров, Владислав Галянов, Вадим Шаехов, Юсуф Абреков ҳимоя қилди.

Қизғин кечган турнирда терма жамоамиз аъзоси Муроджон Холмуродов иккинчи босқичда кумуш медал соҳибига айланди. У, шунингдек, муҳим рейтинг очколарини ҳам қўлга киритди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
"Ishonch" мухбири

МУХЛИС ИЛҲОМИ

ИФТИХОР

Ҳамжиҳатмиз, биргамиз, якка қолмас ҳеч одам,
Бамаслаҳат тўй қилсак, дастурхон бўлар бекам,
Баҳорида ялпизлар, қозонида жиз-бизлар,
Шодликларнинг чеки йўқ, ярашиқлик сиз-бизлар,
Бундай жаннат қайда бор, шундай роҳат бизда бор.

Қариялар дуода, нур ёғилар юзидан,
Ниятлар поклигини англаш мумкин кўзидан,
Ёш-яланглар хизматда, югуришар-елишар,
Бир кун келиб улар ҳам қаришини билишар,
Бундай ҳурмат қайда бор, шундай миллат бизда бор.

Буғдойидан нон ёпар, олтинидан тикар зар,
Хам бўлмайди боши ҳеч, чунки адолатпарвар,
Паҳлавонлар туғилиб, мағрур дунё кезарлар,
Аждодлардан куч олиб, буюк режа тузарлар,
Бундай ёшлар қайда бор, шундай авлод бизда бор.

Чашмасида сув зилол, ариқда тўлиб оқар,
Қўни-қўшни меҳрибон, "лаббай" деб кулиб боқар,
Болалар хурсанд ўйнар, кўзлари турар ёниб,
Бир болага етти уй меҳрини берар қониб,
Бундай гўша қайда бор, шундай маскан бизда бор.

Қишида баҳор уйғоқ, кўринар мисли қуймоқ,
Одамлари серғайрат, бари меҳнатга чанқоқ,
Ўзбекистон ягона, оламда якто ўзи,
Олим айтар, эй дўстлар, айтарга бордир сўзи,
Бундай фахр кимда бор, шундай ғурур бизда бор.

Олим ҲИДОЯТОВ,
"Талимаржон иссиқлик электр станцияси" унитар корхонаси гидротехник иншоотлар ва коммуникация цехи ишчиси

ХОДИМЛАР ГИМНАСТИКАСИ

Ходимлар гимнастикаси — жисмоний тарбиянинг энг оммавий ва қулай воситаларидан бири ҳисобланади. Иш орасида гимнастика машқлари бажарилса, чарчоқ ёзилади, касб касалликлари, турли омиллар таъсирини енгиш осон кечади.

ИМКОНИЯТГА ҚАРАБ

Олиб борилган амалиётларга кўра жисмоний машғулотларнинг зўрма-зўраки ёхуд зерикарли ўтказилиши ҳам кутилган натижани бермайди. Шунинг учун жисмоний машқлар ва бошқа воситаларнинг бажарувчига мос келадиганини танлаш, машғулотларни ўтказишнинг баъзи методик усулларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Ходимлар гимнастикаси меҳнатнинг табиатига қараб бажарилади, у бир қатор паллаларни ўз ичига олади. Улардан бири оғир жисмоний меҳнат, унда куч-қувват кўпроқ сарфланади.

Машқларни танлашда шуғулланувчилар сонини назарда тутиш лозим. Чунки улар жисмоний жиҳатдан турлича тайёргарликка эга бўлишлари мумкин. Шунинг учун машқлар улардан ҳар бирининг жисмоний имкониятларига кўра амалга оширилмоғи керак. Шунга эришиш лозимки, корхона, ташкилот ва муассасаларда ташкил этиладиган ходимлар гимнастикаси, ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишга, ходимлар саломатлигини сақлаш, уларнинг меҳнат жараёнида фаол бўлишларига ёрдам берсин.

Акмалхон УМАРОВ,
касаба уюшма фаоли

СУРУР

ТАСКИН

Инсон ёди асло ўчмайди. Дарвозамизга бир бола келиб, отамнинг исмини айтиб чақира бошлади.

Болакай «Хидир ака», деб кўп бор чақирса-да атай чиқмай кутдим. Билмайман, аниқ сабаби нима, аммо оёқларим турган жойига маҳкам ёпишганча жилмасди. Бу чақириқни жуда соғинганмидим ёки бироз кутсам исм эгаси чиқадигандек эди назаримда. Сезганларим шулар. Билмадим, булардан қай бири кучли эди ўшанда...

Шунча ҳаяжондан кейин шодландим ҳатто! Отам номи унутилмабди, хонадони ҳали ҳам унинг исми билан чақирилаяпти! Ёш болалар ҳам унутишмабди. Бу таскин ўзимга ёқиб тушди...

Озода МАМАДАЛИЕВА

БАДИА

Бизни давлатманд этиб, беқиёс шодлик улашаётган, гўзал туйғулар бахш этаётган Ватан ҳақида сўзлашга нега ҳар гал қийналар эканмиз-а? Нега булутлар ила сўзлашаётган алп тоғлар чўққисидан туриб "Сени севаман, Ватан!" дея ҳайқиришга ўзимизда куч топа олмаймиз?

Ҳа, бу саволлар жавобини илғагандек бўламан. Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатни фақат ҳис этмоқ ва қалбда туймоқ жоиз. "Ватан" деганда қалбингизда бир олам қувончни ҳис этсангиз, димоғингизда қадрдон кенгликларнинг ифорини туйсангиз, демакки, сизнинг тафаккурингиз уйғоқ, кўнглингиз бедор, руҳингиз озод, толеингиз сарбаланддир. Она юрт бағрида бир гул бўлсада ундириб ғурурланасангиз, номуносибликни кўриб уялсангиз, сиз мўмин экансиз. Зеро, ватанни севмоқ иймондандир.

Дастлаб онам аллаларидан англадим ватан зарраларини. Момом айтган маталлардан топдим унинг суратини. Бобомнинг ордену медаллар безаган кўксида кўрдим жасоратни.

Беватаннинг орзу-умиди, ғурури, ифтихори ҳам бўлмайди. Унинг кўзлари гўзалликдан баҳра ололмагай, ҳамиша нигоҳларини қорамтир туманлар қуршаб тургай. Ватансизликдан ҳам ўзга бахтсизлик борми?

Худо ато этган жаннатмонанд юрт шукронасини қай даражада келтираяпмиз, дея ўйланиб қоламан баъзан. Оппоқ қушлар чарх урган, қуёш нурларига чулғанган осмонга гоҳо ҳайратланиб боқаман. Шундай беғубор осмон остида яшаётганимизга шукроналар айтгим келади.

Турмуш ташвишлари билан доимо бир манзилга ошиқасиз. Оёқларингизни майин майсалар ўпиб қолади, этакларингизни райҳонлар силайди, гуллар пойингизга бош уради, сезмайсиз. Бағридан нону туз, ҳаётбахш сув олиб тутаётган замин учун сиз ҳам шукрона айтдингизми?

Ёруғ жаҳонда инсон учун фақат битта она бўлгани каби, Ватан ҳам битта. Унинг қадрига ҳамма турлича етар, ҳамма унга ўзича меҳр қўяр. Аммо бу неъматнинг чексиз давлат, Оллоҳ иноят этган эҳсон, мўъжиза эканини, бошимиз узра бахт қўнғироғи бўлиб жаранглаб турганини барчамиз бирдек идрок этмоғимиз керак.

Гулшаной ШЕРМАТОВА,
журналист

ШУКРОНА

МИННАТДОРМАН

Бутун билим ва куч-ғайратимни ёш авлодни камол топтиришдек улуғвор ишга бахшида эта олганимдан ниҳоятда бахтиёрман. Касаба уюшмаси юмушларими, жамоатчилик топшириқларими камарбаста бўлганмиз, ҳамиша эл манфаати учун елиб-югурганмиз. Кимё, биология фани билан боғлиқ тажрибаларим кўпчиликка асқотганидан хурсандман. Касбимга меҳр бериб, қадр ва ишонч топдим. Камтарона хизматларим инобатга олиниб, «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирландим.

Ҳозир кексалик гаштини сураётган бўлсам-да, қадрдон жамоам, менга елкадош ёр-дўстлар орасидаман. Атрофимизда юз бераётган ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларидан кўнглим яйрайди.

Ўтган йили Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Куанш Каримбаев тавсияси билан "Ботаника" санаторийсида 14 кун мобайнида саломатлигимни тикладим. Бу йил эса ўқитувчи фарзандларим ҳисобидан йўлланма олиб, бирор сиҳатгоҳда дам олишни режалаштираяпман. Шундай тинч, фаровон юртимиз, меҳр-муҳаббатли, халқпарвар Юртбошимиз борлигидан ҳар қанча ифтихор тўйсак арзийди.

Улбусин АШУРОВА,
меҳнат фахрийси.
Конимех тумани

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev (mas'ul kotib v.b.)

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 228-13-00; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: J.Ergashev
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti — 21:15
Topshirildi — 22:40

E-mail:xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 415 19386 nusxada bosildi 1 2 3 5 6